ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 1997 йил 23 декабрь, сешанба № 153 (949). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 23 декабря 1997 г. № 153 (949). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Ўзбекистон—Россия: ҳамкорликнинг янги босқичи

22 декабрь куни Россия Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Черномирдин амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Пойтахт аэропортида юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

Дўрмон қарорғоҳида икки мамлакат расмий делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Музокараларда асосий эътибор Ўзбекистон билан Россия ўртасида шу пайтгача имзоланган ҳужжатларнинг ҳаётга тадбиқ этилиш жараёни, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳудудлараро, савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш учун зарур чора-тадбирлар кўриш, сармояларни ҳимоялаш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш бўйича илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қаратилди.

— Аввало, таъкидлаш жоизки, кейинги даврда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бормоқда, — деди Ислом Каримов. — Шу вақтгача имзоланган ўзаро ҳужжатлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, айни вақтда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар алмашув ҳажмининг тобора ўсиб бораётганининг муҳим сабабларидан бири ҳам шунда.

Дарҳақиқат, 1996 йилда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажми 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойида эса бу рақам 1,4 миллиард долларга етди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг айни вақтдаги аҳволи ва истиқболи ҳақида гапирар экан, унинг бош йўналиши ўзаро тенг манфаатлар асосида иш юритиш эканини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Ислом Каримов икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни нафақат ҳукуматлар даражасида, балки вилоятлар миқёсида ҳам ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканини айтди.

Музокараларда Ўзбекистон билан Россия ўртасида самолётсозлик, электр ва техника жиҳозлари, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик самарали амалга оширилаётгани қайд этилди.

Айни вақтда Ўзбекистонда Россия билан ҳамкорликда барпо этилган икки юздан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Таъкидлаш керакки, ҳозир россиялик ишбилармонлар Ўзбекистон автомобиль саноатига, айниқса катта қизиқиш билан қараётир. Тез орада Россияда «ЎзДЭУавто» машиналарини сотиш марказини очиш режалаштирилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳудудлараро ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, улар ўртасида бевосита алоқаларни йўлга қўйиш борасида ҳам сезиларли натижалар қўлга киритилмоқда. Дарвоқе, хўжалик юритувчи субъектлараро бундай алоқаларни кенгайтириш мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан биридир. Музокараларда томонлар ушбу масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарларини баён қилдилар.

Россия ҳукумати раиси Виктор Черномирдин музокаралар кун тартибидан жой олган масалалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

— Кўп йиллик иқтисодий алоқаларнинг айни вақтда янгича тамойиллар асосида шаклланиб бораётгани бугун ўзаро ҳамкорликнинг барча соҳаларида яққол кўзга ташланаётир, — деди жумладан В. Черномирдин. — Мазкур ташрифимиз Россия Президенти Борис Ельциннинг 1998 йил баҳорида Ўзбекистонга қилажак сафари олдидан ўтаётгани унинг амалий аҳамиятини янада оширади.

Музокараларда минтақавий хавфсизлик, жиноятчиликка қарши кураш, шунингдек, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтириш учун зарур чора-тадбирлар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлар алмашилди.

Музокаралар сўнгида ўзаро қўшма ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги, шунингдек, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш бўйича илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Черномирдин имзоладилар. Шунингдек, ўзаро савдо-иқтисодий, илм-фан ва бошқа соҳаларга оид ҳужжатлар имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда музокаралар кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тўла келишувга эришилгани қайд этилди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган асосий масала Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи хусусида бўлди. Икки мамлакат корхоналари ўртасидаги ҳамкорликнинг қандай ривожланаётгани ҳақидаги саволга жавоб қайтарар экан, Ислом Каримов жумладан шундай деди:

— Россия ишбилармонларининг Ўзбекистон бозорида ёки ўзбекистонлик тадбиркорларнинг Россия бозорида иштирок этиши ҳар икки томон учун ҳам фойдалидир. Айни вақтда Ўзбекистонда бевосита Россия сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 33 та қўшма корхона мавжуд. Россияда эса 55 та Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Лекин бу ҳар икки мамлакат салоҳиятидан келиб чиқиб қараганда жуда кам. Зеро, бугунги дунёда иқтисодий ҳамкорлик натижалари, аввало, ким қайси бозорда иштирок этаётганига боғлиқдир. Шу маънода, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш икки томонга ҳам бирдек наф келтириши табиий.

Виктор Черномирдин асосий макроэкономик кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонда Россияга нисбатан кўпроқ натижалар қўлга киритилаётганини алоҳида таъкидлади.

— Бугун биз Ўзбекистоннинг Россия бозоридаги ўрни, ўз навбатида Россиянинг Ўзбекистон бозоридаги иштироки мамлакатларимиз учун қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини жуда яхши тушунамиз, — деди В. Черномирдин. — Шу боис барча соҳалардаги ўзаро муносабатларимиз бугунги кун талаблари даражасида бўлмоғи лозим.

Россия Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Черномирдиннинг мамлакатимизга амалий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

22 декабрь куни пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг Амир Темур залида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов очди.

Таъкидлаш керакки, иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг мазкур иккинчи мажлисида муҳокама этилган масалалар ҳар икки томон учун ҳам муҳим аҳамиятга молик. Мажлис кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан кечган қизғин мунозаралар, ўртага ташланган аниқ ва амалий таклифлар ҳам ана шундан далолат беради.

Мажлисда иштирок этган Россия ҳукумати раисининг ўринбосари Валерий Серов иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия доирасида амалга оширилаётган ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия мажлисида мазкур комиссиянинг 1997 йил март ойида бўлиб ўтган биринчи мажлисида имзоланган протоколнинг амалий жараёни, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий, шунингдек, саноат соҳасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш бўйича ўзаро келишган ҳолда чора-тадбирлар кўриш, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳудудлараро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, Ўзбекистондан Россияга пахта толаси сотишни мунтазам йўлга қўйишни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мажлис ниҳоясида Тошкент шаҳри ва Саратов вилояти ўртасидаги ҳамкорлик бўйича шартномага қўшимча битим, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан Россиянинг «Трансаэро» авиакомпанияси ўртасида альянс таъсис этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон томондан Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори вазифасини бажарувчи А. Рўзматов, Россия томондан эса Саратов вилояти губернатори Д. Аяцков ҳамда «Трансаэро» авиакомпанияси президенти А. Плешаков имзолади.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия мажлисида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ганиев, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов иштирок этди.

Шунингдек, мажлисда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А. Пацев ҳозир бўлди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Савдо соҳасида монополиядан чиқаришни чуқурлаштириш тўғрисида

Савдо соҳасида бозор ислоҳотларини ва монополиядан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш, рақобатни ривожлантириш, истеъмол бозорини тўлдиришда корхоналар ҳамда маҳаллий бошқарув идораларининг хўжалик соҳасидаги мустақиллигини янада ошириш мақсадида:

1. 1998 йилнинг 1 январидан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳларини фонд йўли билан тақсимлаш тизими бекор қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Барча турдаги истеъмол товарларининг улгуржи харидлари мулкчилик шакларидан қатъи назар, улгуржи ва чакана савдо корхоналари томонидан мустақил равишда, Ватанимиз товар ишлаб чиқарувчилари ва маҳсулотни улгуржи етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузган ҳолда, етказиб берувчиларни, харидорлар ва товарларни эркин танлаш принциплари асосида, шунингдек, биржа ва савдо ярмаркаларида амалга ошириши лозим.

Ватанимиз товар ишлаб чиқарувчиларининг ресурслари билан таъминланмаган истеъмол товарларининг импорт хариди асосан тендерларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш республика комиссияси томонидан ташкил қилинадиган тендерларнинг шартларига мувофиқ амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг, «Ўзбексавдо» тизимидаги ҳудудий савдо-ишлаб чиқиш концернларининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

Ўзбекистон «Савдо» давлат-акциядорлик уюшмаси («Ўзбексавдо»)ни тугатиш.

Республика «Савдо тараққиёти» бирлашмаси, республика тажриба савдо-ишлаб чиқариш «Савдо нашриёти» бирлашмаси, «Наврўз» савдо ишлаб чиқариш комплекси ва янгидан ташкил этиладиган «Гўшт-сут савдо» давлат-акциядорлик бирлашмаси негизида Ўзбекистон «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясини ташкил қилиш.

Мавжуд ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш концернлари негизида республика (Қорақалпоғистон Республикаси) ва вилоятлар савдо-ишлаб чиқиш акциядорлик «Савдо» компанияларини барпо этиш.

Белгилаб қўйилсинки, ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик «Савдо» компаниялари уларнинг тизимига кирмайдиган савдо ташкилотлари билан, шу жумладан матлубот кооперацияси тизимидаги савдо ташкилотлари билан фақат шартнома асосларида ҳамкорлик қиладилар.

3. Қуйидагилар «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда харид қилиш соҳасида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, фан-техника тараққиёти ютуқларини, савдо-сотиқни такомиллаштириш борасидаги жаҳон тажрибасини тармоққа жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси билан биргаликда истеъмол товарларини сотиш қоидаларини ишлаб чиқиш.

«Гўшт-сут савдо» тизимини совутиш хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, совутиш омборларини шартнома асосида «Ўздавзаҳира» бош бошқармасига, Давлат таъминоти муассасаларига, махсус истеъмолчиларга ва ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик «Савдо» компанияларига озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун бериш.

Савдо ишшоотларини лойиҳалаш ва қуришда ягона техникавий сиёсатни юритиш, технологик савдо ускуналарини таъмирлаш, тайёрлашда тармоқ корхоналарига амалий ёрдам кўрсатиш.

Савдо соҳасида рекламаноширлик фаолиятини амалга ошириш.

4. Ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик «Савдо» компаниялари, Тошкент шаҳар савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин:

Аҳолининг истеъмол моллариига бўлган талаб-эҳтиёжини жуда тўлиқ қондириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини, савдо-сотиқни такомиллаштириш борасидаги жаҳон тажрибасини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик «Савдо» компаниялари ҳамда Тошкент шаҳар савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти зиммаларига юкланган вазифаларни ҳал этишда уларга бутун чоралар билан ёрдам берсинлар.

Мулкчилик шаклларидан ва кимга бўйсунишидан қатъи назар, Ватанимиз савдо тармоқлари қўйилган савдо-ишлаб чиқариш фирмалари, шунингдек, улгуржи-чакана савдо фирмаларининг тармоғини барпо этиш ва ривожлантиришга кўмаклашсинлар.

Ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик «Савдо» компанияларининг, Тошкент шаҳар савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти, шунингдек, минтақа ҳудудида ишлаб турган барча савдо ва савдо корхоналарининг истеъмол бозорларини тўлдириш масалаларидаги фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

7. «Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлигини Ўзбекистон «Савдо» Давлат-акциядорлик уюшмаси («Ўзбексавдо»)га айлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 5 майдаги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 19 декабрь.

● АЪЛО ХИЗМАТИМИЗ - ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИГА!

Қишки ўқув мавсуми хизматларини энди бошлаган янги аскарлар учун, айниқса, масъулиятли палладир. Ушбу давр аскарнинг нафақат хизматга кўникиши, шу билан бирга ҳарбий касб сир-синоатларини пухта эгаллаб олишида ҳам беҳад аҳамиятлидир.

Фарғона вилоятининг Риштон туманидан жорий йил кузда ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскар Абдумалик Ҳалимов ҳам буни юрагидан ҳис қилиб, ҳар бир ўқув машғулотидан унумли фойдаланишга интилмоқда. У радиотелеграфчилик касбини мукаммал эгаллашга астойдил киришган.

— Радиотелеграфчилик тасаввуримдан-да мураккаб касб экан, — дейди оддий аскар А. Ҳалимов суҳбат чоғида. — Офицер ва кичик командирларнинг кўмаклари туфайли касб маҳоратларини ўзлаштиряпман. Алоқа бўлинмамиз шахсий таркиби 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини ҳар томонлама намунали хизмат билан қаршилашга чоғланганлар.

Г. ТИТАРЕНКО
суратга олган.

Подчинены единой цели

Примерной воинской дисциплиной, высокими показателями в боевой учебе стремятся встретить День защитников Родины воины-узбекистанцы, прилагая для этого максимум усилий. Несмотря на то, что новый учебный год лишь только набирает силу, и о весомых достижениях, казалось бы, говорить еще рано, тем не менее, как свидетельствуют письма наших военкоров, многие солдаты и сержанты уже сегодня практически по всем воинским дисциплинам заслужили лестные отзывы командиров, а вместе с ними и отличные оценки.

Практического занятия по огневой подготовке мы ждем с нетерпением, а пока воины нашего подразделения усиленно изучают материальную часть вверенного им оружия, условия упражнений, чтобы на огневом рубеже чувствовать себя уверенно. И тон в этом задают младшие командиры. Командир отделения сержант Д. Рахимов, которого по праву называют мастером меткого огня, на высоком методическом уровне проводит занятия с новичками, обучая их секретам меткого выстрела. Добившись того, что его подчиненные в совершенстве научились производить разборку и сборку оружия, досконально знают назначение и принципы действия каждого его механизма, теперь он стремится довести до каждого, как нужно правильно прицеливаться, производить плавный спуск, выбирать нужное упреждение, учитывая погодные условия. И надо отметить, что кропотливый труд младшего командира уже сегодня дает свои плоды.

Безупречно выполняют норматив вчерашние новобранцы рядовые Н. Рашидов, Б. Намазов; отличные знания условия упражнения демонстрируют рядовые А. Джураев и А. Вахабов. Стремятся не отстать от них и их сослуживцы, эффективно используя каждую минуту учебного времени для приобретения теоретических навыков.

Верится, что когда наступит их черед выйти на огневой рубеж и на практике применить все то, чему они научились сейчас, подчиненные сержанта Рахимова не ударят в грязь лицом и пополнят копилку подразделения отличными оценками.

Рядовой
Б. БАЗАРБАЕВ.

Тўйларимизга тўйлар улансин!

Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларида юртимизнинг барча байрам тадбирлари муносиб тантана қилинади. Уларни ўтказиш учун мутасадди командирлар раҳбарлиги остида олдиндан тузилган режаларга асосан тайёргарлик ишлари олиб борилади. Ҳар бир байрам, албатта куй-қўшиқлар-у ноз-неъматларга лиқ тўла дастурхонсиз ўтмайди.

Тўйга совға билан келиш эса азалдан одатга айланган. Шу боис ҳам онаюртимиз ҳимоячилари кундалик хизматларида улкан муваффақиятларни қўлга киритиб, тантаналарни ажойиб туҳфалари билан қарши олишга кўникиб кетишган. Жумладан, яқинда мустаҳкам иродали, меҳнатсевар сержант ва оддий аскарлар тарихий сана — тинчлигимиз барқарорлигининг ифодаси бўлмиш Конституция куни ни қўнғилдагидек кутиб олдилар.

Шу кунларда баҳодирларимиз 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини ёруғ юз ила кутиб олишга азму қарор қилганлар. Шунинг учун улар малакали офицер ва прапорщикларининг барча буйруқ-кўрсатмаларини сидқидилдан бажариб, зафар чўққиларини забт этиш йўлида курашмоқдалар. Жанговар, ижтимоий-сиёсий, техник, жисмоний ва бошқа тайёргарлик машғулотларида ўз касбий маҳоратларини ошириш учун интилмоқдалар.

Бу борада айниқса майор Файзулло Комилов бошқараётган муҳандис-саперлар бўлинмаси шахсий таркиби жонбозлик қилмоқда. Мазкур аҳил жамоанинг азамат жангчилари қишки ўқув мавсумини муваффақиятли бошлаган эдилар. Ҳозирда улар тайёргарлик машқларида фаол қатнашмоқдалар. Ҳамманинг диққат-эътибори Ватан ҳимоячилари байрамига яхши туҳфалар ҳозирлашга қаратилган. Ушбу масъулиятли вазифани талаб даражасида уддалаш мақсадида сержант ва оддий аскарлар бор куч ҳамда имкониятларини ишга солмоқдалар. Назарий ва амалий машқларда астойдил қатнашиб, вақтларини беҳудага ўтказмасдан ўз касбий малакаларини такомиллаштириш устида енг шимариб хизмат қилмоқдалар.

— Жамоамиз аъзолари бурчларини бажонидил ўташ билан бирга қутлуғ тўйга тўёна ила келишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган,— дейди биз билан суҳбатда командир ўринбосари капитан Н. Отахонов. — Айни кунларда ҳар биримиз умум жамоа ютуғига ўзимизнинг баҳоли қудрат улушимизни қўшиш учун ҳаракат қиляпмиз. Ҳиматини яқинда бошлаган ёш аскарлар эса «карвон»дан ортда қолмаслик ниятида устоз-командирларининг насиҳатларига тўла амал қилиб, ҳарб илмини мукаммал эгалламоқдалар. Ш. Жумаев, А. Уранмов, Ф. Юсупов сингари оддий аскарлар шулар жумласиндандир. Улар ҳозирнинг ўзида бизда энг жиддий ҳисобланмиш парашют-десант тайёргарлиги бўйича бирмунча малака олишга улгурдилар. Ишончимиз комилки, ёш жангчиларимиз ҳам бўлинмамизнинг илгор жамоалар қаторидан муносиб ўрин эгаллашида ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Бўлинмада жангчиларнинг хизмат ва яшаш шароитлари юксак даражада ташкил этилган. «Аскарлар чойхонаси» мунтазам ишлаб турибди. Шахсий таркиб учун дам олиш кунлари кинофильмлар намойишидан ташқари, турли спорт байрамлари уюштирилади. Етоқхоналар эса иссиқ, шинам бўлиб, ҳамма қулайликларга эга. Ҳарбий шифокорлар ҳам посбонларнинг саломатлигини сақлаш йўлида самарали ишлашмоқда.

Дарҳақиқат, майор Ф. Комиловнинг қўл остида Конституциявий бурчини аъло даражада ўтаётган посбонлар уларга кўрсатилаётган гамхўрликларга жавобан янада яхшироқ хизмат қилишга, Умумҳарбий Низомлари талаблари ва қонун-қоидаларини бузмасликка, жонқуяр командирларининг ишончларини ёруғ юз-ла оқлашга интилишлари бежиз эмас, албатта. Зеро, айнан юрт осойишталигини ҳимоя қилаётган жангчиларнинг давлатимиз келажагининг порлоқлигига ишончлари баланд. Шундай экан, улар эрксевар юртдошларимиз каби мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек эзгулик ишида чин дилдан қатнашаверадилар. Бири биридан ажиб юрт тўйларига туҳфалар тайёрлашдан толиқмайдилар.

Катта лейтенант
Ш. ҲОШИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

МЕСТО СЛУЖБЫ - ВНУТРЕННИЕ ВОЙСКА

СЛАВНЫЙ БОЕВОЙ ПУТЬ

В 1994 году во внутренних войсках Министерства внутренних дел Республики Узбекистан были сделаны новые решительные шаги в области коренного укрепления воинской дисциплины в свете требований Постановления Кабинета Министров при Президенте Республики Узбекистан «О мерах по укреплению воинской дисциплины и совершенствованию воспитательной работы в Вооруженных Силах, пограничных и внутренних войсках Республики Узбекистан».

Управлением внутренних войск был разработан и осуществлен комплекс мер, направленных на выполнение данного документа, в том числе по реорганизации воспитательной и социально-правовой работы в частях и подразделениях.

Глубокое воздействие на жизнь и деятельность личного состава войск оказали книги И. А. Каримова «Узбекистан. Свой путь прогресса и обновления» и «Узбекистан — государство с великим будущим». Эти книги дали командирам и офицерам по работе с личным составом главные направления в ведении общественно-политической и воспитательной работы, научили теснее увязывать теорию с практикой строительства правового демократического государства, со стоящими перед военнослужащими войск конкретными служебно-боевыми задачами.

Основные усилия Управления внутренних войск в 1994 году были направлены на всестороннюю и качественную подготовку офицеров, недавно назначенных на командные должности, к руководству частями и подразделениями. Обучение офицерского состава осуществлялось на сборах, в ходе командирских занятий, и в процессе самостоятельной подготовки.

Главное внимание уделялось повышению качества учебного процесса, улучшению методической подготовки офицеров и прапорщиков, созданию и совершенствованию учебно-материальной базы частей и подразделений. В целях улучшения боевой подготовки проводились тактико-специальные учения, штабные тренировки, тактико-строевые занятия.

Немалый вклад в успешную реализацию стоящих перед ними задач внесли конвойные подразделения. Строгая изоляция заключенных — задача нелегкая и ответственная. И выполняли ее воины внутренних войск с честью и достоинством как, например, рядовой М. Бекимбетов.

Будучи часовым, он внимательно осматривал свой сектор охраны. Вдруг со стороны объекта через ограждение полетел какой-то ком. Только предмет коснулся земли, как к нему сразу торопливо направился гулявший неподалеку от ограждения гражданин.

Действуя строго по уставу, рядовой М. Бекимбетов немедленно сообщил о случившемся в караульное помещение. До прибытия начальника караула сержанта Б. Кенжаева он не дал возможность никому приблизиться к «посылке». И, как выяснилось позднее, не без оснований. При вскрытии в ней оказались запрещенные к пересылке предметы.

Этот эпизод стал первым серьезным испытанием для недавно надевшего военную форму солдата. И рядовой Бекметов сумел выдержать его достойно.

Нелегка служба контролерского состава. Совместно с представителями администрации исправительно-трудовых учреждений контролеры активно участвуют в обеспечении производственной деятельности и укреплении режима среди осужденных. Среди них немало хорошо знающих свое дело профессионалов, таких как прапорщик Халил Очилов. Он твердо верит в необходимость и справедливость порученного ему дела, и потому служит честно и добросовестно уже более 10 лет.

Ряду подразделений выпало в 1994 году выполнять задачи по ликвидации последствий стихийных бедствий в районах городов Ангрена, Газалкента и Паркента, другим — участвовать в проведении операции «Черный мак-94». Военнослужащими внутренних войск было изъято 6 единиц огнестрельного оружия, 14 килограммов наркотических веществ, предотвращен вывоз за пределы республики материальных ценностей на сумму 2 миллиона 374 тысячи сумов. Благодаря бдительности и решительности войскового наряда в составе младшего сержанта Якубова, рядовых Толстошеева и Овчиева была пресечена попытка захвата оружия вооруженным рецидивистом на посту «Феруза» Кумкурганского района.

Приказом начальника Управления внутренних войск за бдительность, честность и добросовестность, проявленные при выполнении поставленной задачи в ходе операции «Черный мак-94», младшему сержанту А. Юлдашеву и рядовому Ф. Абдувалиеву вручены знаки «За отличие в службе» II степени, рядовому У. Равшанову предоставлен краткосрочный отпуск с выездом на родину. В числе поощренных также рядовые К. Ташпулатов, Ж. Турсунов и З. Панаев.

В 1995 году значительное место в служебно-боевой деятельности частей и подразделений внутренних войск занимало их участие совместно с органами милиции в охране общественного порядка. Верные воинскому долгу солдаты и сержанты, прапорщики и офицеры надежно обеспечивали мирную жизнь граждан, решительно пресекая преступные и дерзкие замыслы правонарушителей и смело вступая в борьбу с ними выходили победителями.

... Дежурный по войсковым нарядам старший лейтенант С. Агапов проверял службу подчиненных на установленных маршрутах. Машину вел младший сержант сверхсрочной службы А. Исмаилов. Осталось проверить две патрульные группы, когда они заметили бегущего с оружием человека.

Это был матерый преступник, который вышел на вечерний «промысел», но был замечен при попытке ограбления сотрудником милиции. Отстреливаясь на ходу, он пытался скрыться в спасительной темноте придорожных кустов.

Выскакивая из машины, офицер увидел впереди войсковой наряд в составе рядовых А. Турсунова и С. Уразматова, бросившихся наперерез бандиту. Вскинуть руку для очередного выстрела преступнику уже не удалось. Через минуту он связанный лежал на земле.

Старший лейтенант Сергей Агапов и младший сержант Андрей Исмаилов — коренные ташкентцы. Рядовой Фатхулло Турсунов родом из Багдадского района Ферганской области, рядовой Санъят Уразметов из Гурленского района Хорезмской области. Простые парни, честные военнослужащие, они добросовестно выполнили свой долг, обеспечив спокойствие в столице родного Узбекистана. Никто из них никогда не чувствовал себя героем, но когда потребовалось, они совершили смелый поступок, выдержав экзамен на воинскую и гражданскую зрелость.

Личный состав подразделений внутренних войск совместно с органами милиции участвовал в операции «Черный мак-95». Войсковыми нарядами только в ходе операции было изъято 9 единиц огнестрельного и 16 холодного оружия, 4 гранаты, 298 боевых патронов, предотвращен вывоз за пределы республики материальных ценностей на 9 миллионов 925 тысяч сумов. Вот только один пример.

Несший службу на контрольно-пропускном пункте рядовой Заир Саттаров тщательно проводил досмотр автомашин. Несколько дней назад его сослуживцы обнаружили здесь в одной из машин около одного килограмма наркотического зелья и боевую гранату Ф-1. Поэтому солдат был особенно внимателен.

Подъехал неказистый ПАЗик, набитый пассажирами. Несколько человек вышли, освобождая солдату проход. Едва рядовой Саттаров занес ногу на подножку, как почувствовал острую боль под правым ребром. Оглянувшись, Заир увидел злобное лицо и руку с окровавленным ножом. Другая рука преступника потянулась к автомату воина.

Саттаров понял: если у него вырвут оружие, то случится непоправимое. Стиснув от боли зубы, он прижал локтем рану и нанес левой ногой удар противнику в голову. Тот упал. Подоспевшие на помощь старший сержант М. Якупов, рядовые Г. Авчиев и П. Толмачев обезвредили нападавшего и оказали первую медицинскую помощь рядовому Саттарову.

Так закончилось это происшествие, длившееся считанные секунды. В нем со всей полнотой проявились лучшие качества воинов внутренних войск МВД Республики Узбекистан: их мужество и взаимовыручка, готовность выстоять, преодолеть любую опасность.

За мужество и отвагу, проявленные при выполнении поставленных задач, немало военнослужащих внутренних войск удостоились высоких государственных наград. Так за высокие показатели в службе первыми во внутренних войсках были удостоины медали «Жасорат» генерал-майор В. Бухтеев, полковник В. Таджибаев, майор Р. Курбанов.

Солдаты и сержанты, офицеры и прапорщики, понимая значение своей службы для укрепления независимости Узбекистана, проявляют добросовестность и высокую ответственность при выполнении служебно-боевых задач, постоянно крепят воинскую дисциплину, повышают служебное и воинское мастерство.

Старший лейтенант Ш. КАРИМБАЕВ.

● ХОТИРА

Юраклардан бир умрга ўчмагай

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қўшинларининг шонли тарихи зарварақларида хизмат фаолиятлари, шунингдек, ҳарбий маҳоратлари ибрат бўлган кўплаб мард ва жасур командир ҳамда жангчиларнинг жанговар қаҳрамонликлари ўз аксини топган. Ушбу мураккаб ва жанговар хизматда бутун умрларини ҳарбий хизматга бахшида этган қаҳрамонона касб эгалари — офицерлар алоҳида ўрин тутадилар.

Бутун ҳаёти матонатли жанговар хизматда ўтган чин ватанпарвар ва юрт фарзанди, марҳум генерал-лейтенант Бурхон Ҳасанович Сирождинов таваллудига 1997 йилнинг 24 декабрида 80 йил тўлади.

Бурхон Ҳасанович Конибодом шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни битиргач, ҳозирги Бишкек шаҳридаги Педагогика институтида таҳсил олди. Институтни муваффақиятли тамомлагач, 1939 йилда ҳарбий хизматга чақирилди.

У шарафли офицерлик касбига умрининг роппароса эллик йилини бахшида қилди. Фашизмга қарши олиб борилган қонли урушнинг биринчи кунидан охиригача офицер-артиллерист сифатида фаолият кўрсатди. Взвод командирлигидан бригада штаби бошлиғининг разведка бўйича ўринбосари даражасига қадар бўлган масъулиятли лавозимларда ўзига билдирилган ишончни фидокорона оқлади. Москва остоналаридаги мудофаа жангларидан тортиб, Белоруссия, Польша, Шарқий Пруссия томон душманга қарши ҳужумларгача узоқ манзилли фронт йўлларини босиб ўтди. Неча марта ўлим билан юзма-юз келган жасоратли офицернинг кўплаб орден ва медаллар, чет давлатлар мукофотлари билан тақдирлангани унинг жанггоҳлардаги ва тинчлик йилларидаги матонатли хизматларидан шоҳодат беради.

Бурхон Ҳасанович урушдан кейинги йилларда ИИВ офицерлар мактабида ўқитувчилик қилди. Давлат хавфсизлик қўмитаси (КГБ) ҳарбий институтидаги таҳсилдан сўнг эса бир неча йил давомида республика ҳаво ҳужумидан мудофаа штабини бошқарди.

1960 йилдан бошлаб, жами йигирма йилдан зиёд дастлаб полковник, сўнгра генерал-лейтенант унвонида Б. Ҳ. Сирождинов Ички қўшинларга қўмондонлик қилди. Бу — қўшинларнинг қисм ва бўлинмалари хизмати шаклланаётган ҳамда касбий маҳорат жиҳатидан такомиллашаётган даври эди. Бўлинмалар аҳолининг тинч меҳнатини таъминлаб, муҳим ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик объектлари қурилишига ёрдам бердилар. Шаҳарлар аҳолиси билан узвий ҳамкорликда қисмлар шахсий таркиби турли янги объектлар қурилишларида виждонан меҳнат қилиб, Ўзбекистон ва қўшни республикалар иқтисодий қудратини оширишга ҳисса қўшди.

Генерал-лейтенант Сирождинов қўшинларни бошқаришда улкан тажрибага, ҳарбий ва касб маҳоратига ҳамда мавжуд камчиликларга танқидий баҳо бериш қобилиятига эга эди. Бурхон Ҳасанович шахсий таркиб билан тарбиявий ишлар олиб боришга алоҳида диққат-эътибор ила ёндашди. Кўплаб офицер-командирларни тайёрлашда бош-қош бўлди. Унинг улкан тажриба ва бой билимидан сабоқ олган шогирдлари малакали ҳарбийлар бўлиб етишиб, қисм командири ҳамда Ички қўшинларнинг бош бошқармасида раҳбарлик лавозимларига тайинландилар.

Бурхон Ҳасанович қайси лавозимда хизмат қилмасин, белгиланган барча вазифаларни бажаришга юксак масъулиятлилик билан ёндашди. Унинг ИИВ ички қўшинларининг Марказий офицерлар курси бошлиғи сифатидаги хизмат фаолияти ҳам ниҳоятда унумли бўлди.

Генерал-лейтенант Сирождинов жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. Айниқса, уруш ва Қуролли Кучлар фахрийлари республика қўмитасига раҳбарлик қилган даврида у ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида улкан ишларни амалга оширди. Унинг «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг хизмат кўрсатган мураббийси» фахрий нишонига сазовор бўлгани ҳам бундан ёрқин далолат.

Юқори хизмат мавқеига, генерал-лейтенант унвонига мушарраф бўлган Бурхон Ҳасанович ҳаётда дўст қадрини билган, келажакка умид кўзи билан қарайдиган, камтарин инсон эди. У ёшликдан спорт билан ошно тутинди, умрининг сўнгги йилларига қадар катта завқ билан волейбол ўйнарди. Ҳарбий спортчиларни доимо қўллаб-қувватлаб, уларнинг меҳнати ва маҳоратларини ҳамиша қадрлар эди. Шу сабаб ҳам республика чемпиони шарафига муяссар бўлган қатор моҳир спортчилар, спорт усталари етишиб чиқди.

Надари бузрукворларининг шонли хизмат анъаналарини давом эттираётган Аликон ва Носиржонлар ҳам офицерлик касбини танлаб, Сирождиновлар сулоласи шарафини баланд тутиб келмоқдалар.

Генерал-лейтенант Бурхон Ҳасанович Сирождиновнинг ҳаётдан кўз юмганига уч йил бўлди, бироқ қобилиятли ҳарбий бошлиқ, ажойиб инсон ҳақидаги ёрқин хотиралар унинг дўстлари ва шогирдлари юраклардан бир умр ўчмайди. Унинг фидойи сафдошлари — Ички қўшинлар жангчилари озод юртимиз, халқимизнинг тинч ва яратувчилик меҳнати ҳимояси йўлидаги жанговар хизматларини ҳамиша ҳушёр ва матонатли ўтамоқдалар.

Катта лейтенант Шуҳрат ИКРОМОВ тайёрлади.

ВЫБОР СЫНА

Ничем не отличается от своих сверстников рядовой Ахрор Касымов. Призван из кишлака Узбекистон Гулистанского района Сырдарьинской области. Отец — Балбек-ака — был сельским учителем, мать—Насиба-опа — работала медсестрой. Сейчас оба на заслуженном отдыхе. До призыва в армию Ахрор учился в местном колледже, хотел стать механиком. Но служба внесла коррективы в его планы.

За прошедший год срочной службы рядовой А. Касымов хорошо освоил обязанности патрульного, добился высоких успехов в боевой подготовке и сегодня выполняет обязанности начальника войскового наряда. На днях вместе с рядовым Х. Юлдашевым он стал героем дня в подразделении.

Неся патрульную службу на оживленной улице, они заметили автомобиль «Жигули», около которого шла словесная перепалка между двумя мужчинами. Вскоре началась драка, и патрульные поспешили к месту происшествия.

Увидев военнослужащих, дерущиеся остыли и попытались уехать на машине. Но наметанный глаз рядового Касымова сразу определил, что здесь дело нечисто. Вызвали по радиостанции подкрепление и произвели обыск подозрительной автомашины. Под сиденьем водителя были обнаружены и изъяты незарегистрированное охотничье ружье и 30 патронов к нему.

Экспертиза впоследствии выявила, что из ружья недавно производились выстрелы. А вот где и по кому, сегодня выясняют работники милиции.

Это уже не первый случай, когда под руководством рядового А. Касымова предотвращаются серьезные преступления. Так, незадолго до этого он вместе с патрульными рядовыми Ш. Усмановым и Ф. Жабборовым пресек попытку изнасилования несовершеннолетней двумя молодыми парнями.

— Теперь я знаю,— говорит Ахрор, — нет ничего важнее дела защиты чести и достоинства наших граждан, спокойной и мирной жизни в республике. После увольнения в запас обязательно буду поступать на службу в органы внутренних дел по месту жительства.

Уверен, что родители одобрят выбор сына.

Старший лейтенант А. ШАРИПОВ.

ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИБ

Майдонда тактик жанг олиб бориш машғулоти ўтказилмоқда. Қўлларида қалқон, резина таёқ тутган ва бошига каска кийиб олган аскарлар «жунбушга келган оломон»ни бостириш усулларини машқ қилмоқдалар. Жанговар машқ сирларини қунт билан ўрганаётган аскарларнинг чаққон ҳаракатлари беихтиёр эътиборни тортади...

Қисмимизнинг биринчи патруль ротаси оддий аскари Шарифжон Нишонов пухта тайёргарликка эга посбонлардан биридир. Жорий йил баҳорги чақириқ бўйича сафимизга қўшилган наманганлик мард йигит ўз устида ишлаши, тиришқоқ ва интилувчанлиги туфайли ҳарбий маҳорат сирларини пухта ўзлаштирди ва янада мукаммаллаштирмоқда. Ҳозирда Шарифжон ротанинг яхши тайёрланган, ҳарбий машқлар сирларини эгаллаган етакчи аскарларидан бири сифатида шахсий таркибнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлиб келмоқда.

— Ҳарбий маҳорат сирларини пухта ўрганишимизда офицер ва кичик командирларимизнинг хизматлари беқиёс — дейди оддий аскар Ш. Нишонов суҳбат чоғида. — Биз — аскарларга бўлган доимий ғамхўрлик, ҳурмат-эътиборлилик учун офицер-командирларимизга сафдошларим номидан улкан миннатдорчилик билдираман.

Шарифжон жанговар, иштимоий-сиёсий ва бошқа тайёргарлик машғулотларида фаол иштирок этмоқда. Патруль-пост хизматини ҳам намунали бажараётир, аҳоли осойишталигини сақлаш ва таъминлашда муносиб ҳисса қўшмоқда.

Оддий аскар К. ТЎЛАНБОЕВ.

Қуйидаги суратда: навбатдаги машғулот пайти. **Ш. ЗУФАРОВ** суратга олган.

БЕСПОКОЙНОЕ ХОЗЯЙСТВО

Подполковника Тулкуна Алиева часто можно встретить в самых отдаленных подразделениях части. Порой даже молодым офицерам не угнаться за этим ветераном. Хозяйство у него хлопотное: подполковник Т. Алиев — заместитель начальника штаба части по инженерно-техническим средствам охраны.

Впервые он надел военную форму в далеком 1956 году, когда начал службу в узбекском кавалерийском полку. До сих пор с благодарностью вспоминает командира эскадрона капитана Абдурахманова и командира взвода лейтенанта Гафурова, сделавших из него настоящего кавалериста. Не без их влияния поступил в военное училище, по окончании которого был распределен во внутренние войска инженером технических средств охраны.

С тех пор пролетело сорок лет, а он все еще продолжает оставаться на своем посту.

— Техника наша работоспособна и находится в полной боевой готовности только при условии правильного обращения, — говорит Тулкун-ака. — Разобраться же в работе сложных узлов даже сегодня не каждому под силу, ведь инженерная мысль не стоит на месте и совершенствуется с каждым годом.

Одна из важнейших задач инженера — подготовить и обучить специалистов по обслуживанию имеющейся на объектах аппаратуры. За годы службы подполковником Т. Алиевым подготовлены сотни солдат, сержантов и прапорщиков. Свидетельство добросовестного труда офицера — многочисленные грамоты и благодарности. Хоть и жаль было расставаться с любимым делом, но в начале 90-х годов Тулкун-ака ушел на заслуженный отдых с полным сознанием того, что долг свой он выполнил сполна.

Ушел, но, как оказалось, ненадолго. С обретением Узбекистаном независимости внутренним войскам республики срочно потребовались специалисты. Подполковник Т. Алиев без колебаний вернулся в воинский строй. В первую очередь взялся за подготовку специалистов: электриков, аккумуляторщиков, мастеров по ремонту оборудования, операторов пультов управления техническими средствами охраны.

Сегодня в части — хорошая учебно-материальная база, на объектах стабильно работает техника. Благодаря помощи штаба части успешно решаются все задачи.

— Сейчас в армии немало людей, волею случая надевших офицерские погоны, — замечает ветеран.— И хорошо, что каждый из них понимает, что не погоны красят человека, а то, как он относится к своему делу.

Сам подполковник Т. Алиев оставлять службу не собирается. Есть еще порох в пороховницах, многое еще нужно сделать ветерану, чтобы передать свои знания, опыт тем, кто будет представлять внутренние войска в следующем, двадцать первом веке.

Прапорщик О. ПОПОВА.



Тактико-специальная подготовка — одна из важнейших дисциплин в подготовке военнослужащих внутренних войск. Особенно нелегко дается умение действовать в составе подразделения тем, кто только начал службу. Поэтому столь терпелив и внимателен в обучении подчиненных командир подразделения старший лейтенант Н. Имамов. Ведь от того, насколько слаженно будут действовать солдаты порядка, во многом зависит не только выполнение поставленной задачи, но жизнь и здоровье самих военнослужащих.

На снимке: **старший лейтенант Н. Имамов во время проведения занятия по теме «Порядок применения защитных средств» с военнослужащими нового пополнения.**

Фото **Ш. ЮСУПОВА.**

АҲОЛИ МИННАТДОР

Жамоамиз майор Баҳодир Сармонов командирлик қилаётган ҳарбий қисмнинг махсус эътибордаги бўлинмаларидан бири бўлиб, шахсий таркибимиз юкларни қўриқлаш, маҳсулотларни ноқонуний йўл билан четга олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслик ва ҳудудда жамоат тартибини сақлаш каби вазифаларни бажаради.

Республикамизда кенг амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада такомиллаштириш, юрт равнақи ва гуллаб-яшнаши йўлида бутун куч-ғайратини аямай, виждонан хизмат қилаётган бўлинмамиз шахсий таркиби ўз вазифасини шараф билан бажармоқда. Бўлинма томонидан республикамиздан ташқарига кўплаб қимматли моддий бойликларнинг олиб чиқиб кетилиши олди олинмоқда. Эришилаётган муваффақиятларда жамоадаги ҳамжиҳатлик, аҳиллик, мустаҳкам тартиб-интизом муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аскарларнинг ҳарбий маҳоратини оширишда майор Б. Сармонов, капитан Д. Алимов, катта лейтенантлар — Э. Шокиров, К. Аноров, К. Ражапов, лейтенант Б. Аширов каби малакали офицерларнинг талабчан ва ғамхўрликлари бош омил бўлмоқда. Аскарлар ҳарб илмидан қунт билан сабоқ олмоқдалар.

Офицер-командирларимиз шахсий таркибнинг хизмат ва дам олиш шарт-шароитларини янада яхшилаш йўлида ҳам ҳамиша бош-қошдирлар. Жумладан, яқин кунлар ичида бўлинмамиз барча зарур замонавий жиҳозлар билан таъминланган янги ҳарбий шаҳарчага кўчиб ўтади.

Хизматимиз қизғин давом этмоқда. Мустақил, озод юртимиз осойишталиги йўлидаги шарафли ва муқаддас бурчимизни ҳамиша виждонан бажараверамиз.

Катта лейтенант Э. ШОКИРОВ, командирнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Илгари хабар қилинганидек, 1997 йил 25 декабрь куни Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлайди. Таркиб топган анъанага кўра сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи ташкил этилган бўлиб, уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева бошқармоқда.

22 декабрь куни Олий Мажлисда депутатлар ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. У Олий Мажлиснинг бўлажак сессияси аҳамиятини чуқур тушуниш ва алоҳида тантаворлик руҳида ўтди. Зеро, мамлакатимиз тарихида биринчи марта Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи олий органининг депутатлари 25 декабрь куни янги ва улар учун махсус қурилган парламент биносида тўпланадилар. Бу эса Олий Мажлиснинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганидан, умумэътироф этган демократия меъёрларига кўра ҳокимият бўғинлари аниқ ажратиб қўйилганидан яққол далолат беради. Маълумки, ривожланган демократия мамлакатларида ҳокимиятнинг турли бўғинлари вакиллари алоҳида биноларда иш олиб борадилар. Бизнинг депутатларимиз ҳам шундай кун келишини бир неча ўн йиллар мобайнида кутишган эди. Ниҳоят, бу орзу Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгани шарофати билан рўёбга чиқди.

Йиғилиш қатнашчилари шундай мураккаб объектни жуда қисқа муддатларда бунёд этиш Президент И. Каримов томонидан бу масалага улкан аҳамият берилганлиги, меъморлар ва қурувчиларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли амалга ошганлигини таъкидладилар. Янги бино улуғвор иншоот бўлиб, унда ўзбек миллий меъморчилигининг энг яхши анъаналари, халқимизнинг асрлар қаъридан бизгача етиб келган бетакрор санъати намоёндир. Бино энг замонавий электрон техника билан жиҳозланган Парламент саройи ҳақли равишда кейинги йилларда қадимий ва навқирон Тошкентда бунёд этилган бир катор улуғвор ва ўзига хос биноларнинг қаторидан ўрин олиб, барча ҳамюртларимизнинг фахрига айланиши шак-шубҳасиздир.

Йиғилишда Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясини ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтказиш муҳимлиги таъкидланди. Қонуншуносларнинг иши учун қулай шароитлар яратиш, янги парламент биносидаги мажлислар залини, бошқа хоналарни ўз вақтида тайёрлаш, ташкилий-техник тайёргарликни, сессия қатнашчиларига бошқа хизматлар кўрсатишни ҳам юксак даражада олиб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, «Рада-мажлис» овоз бериш электрон тизимини пухта текшириш, фақат депутатлар учун эмас, балки ҳукумат аъзолари, бошқа таклиф этилган меҳмонлар, дипломатия корпуси, шунингдек, республика ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун зарур шароитлар яратишнинг муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилиш қатнашчилари сессияни ўтказиш даврида депутатларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларнинг овқатланишини, транспорт хизмати ва бошқа хизмат турлари кўрсатишни ташкил этиш масалаларини муҳокама қилдилар. Олий Мажлиснинг сессияси каби жуда муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирни ўтказишда ҳеч қандай майда-чуйда масалалар бўлмаслиги, шунинг учун ҳам тайёргарлик ишларига жалб этилган барча хизматларни қайта-қайта пухта текшириб кўриш лозимлиги таъкидланди.

Сўзга чиққанлар қонунлар лойиҳалари юзасидан депутатлардан тушган ҳамда матбуотда ёритилган мақолаларда билдирилган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уларни ўз вақтида умумлаштириб, парламент муҳокамасига киритилаётган ҳужжатларда ҳисобга олиш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Бунда сессияга тааллуқли ҳужжатларнинг барча лойиҳалари депутатларга жўнатилганлиги айтиб ўтилди.

Ишчи гуруҳи таркибидаги кичик гуруҳлар раҳбарлари Б. Наимов, Ў. Ҳошимов, И. Кочмарик ва Х. Тошев амалга оширилган ишлар тўғрисида йиғилиш қатнашчиларига ҳисоб бердилар. Улар йиғилганларни сессия бошланишигача қолган вақт мобайнида барча тайёргарлик тадбирлари тўла ниҳоясига етказилади, деб ишонтирдилар.

Депутатлар ишчи гуруҳи йиғилиши қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясини муваффақиятли ва самарали ўтказиш учун бутун куч-ғайратларини сарфлашлари тўғрисида якдиллик билан фикр билдирдилар.

ЎзА.

ОБ ОТКРЫТИИ ДЕСЯТОЙ СЕССИИ ОЛИЙ МАЖЛИСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПЕРВОГО СОЗЫВА

Десятая сессия Олий Мажлиса Республики Узбекистан первого созыва открывается 25 декабря 1997 года в 10 часов в зале заседаний нового здания Олий Мажлиса Республики Узбекистан.

К СВЕДЕНИЮ ДЕПУТАТОВ ОЛИЙ МАЖЛИСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Регистрация депутатов Олий Мажлиса Республики Узбекистан будет производиться 24 декабря с 14 часов до 18 часов в фойе зала заседаний нового здания Олий Мажлиса Республики Узбекистан.

Соғлом авлод — соғлом жамият негизи

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари томонидан маҳаллий давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда «Соғлом авлод — соғлом жамият негизи» дастурининг бажарилиши муҳокама этилди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Ғуломова бошқарди.

Мажлисда Бухоро ва Хоразм вилояти ҳокимларининг ўринбосарлари З. Абдуллаева ҳамда М. Раҳимовнинг мазкур масала юзасидан ахборотлари тингланди. Таъкидландики, бу вилоятларда дастурни амалга ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Лекин оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятларининг хотин-қизларни соғломлаштириш, соғлом авлодни тарбиялаш, ногиронликнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш борасидаги ишларини талаб даражасида деб бўлмайди. Хусусан, хотин-қизларнинг касалланиш сабабларини ўрганиш ва уларни даволашни юқори савияда ташкил этиш, сифатли тиббий-санитария назоратини кучайтириш, қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича олиб борилаётган ишларга жиддий эътибор бериш лозимлиги уқтирилди.

Йиғилишда барча ҳокимликлар «Соғлом авлод — соғлом жамият негизи» дастурида белгиланган тадбирларни жойлардаги давлат ва нодавлат хайрия ташкилотлари билан ҳамкорликда 1998 йилда изчил хаётга тадбиқ этиши лозимлиги таъкидланди. Бунда хотин-қизлар ўртасида турли касалликлар кўрсаткичларини мунтазам равишда таҳлил қилиш, тиббий-ижтимоий патронаж хизматидан тўлақонли фойдаланиш, хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини назоратга олиш, санитария-гигиена талабларининг бажарилишига эътиборни кучайтириш зарур.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» бошқармаси бошлиғи Н. Тўриева, халқаро «Экосан» хайрия жамғармаси раҳбари Ю. Шодиметов, Республика Тадбиркор аёллар уюшмаси раҳбари Д. Алимбекова, Меҳнат вазири ўринбосари Р. Убайдуллаева ва бошқалар «Соғлом авлод — соғлом жамият негизи» дастурини амалга ошириш бўйича ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

(ЎзА).

ОСО «ВАТАНПАРВАР»: ПОДВЕДЕНЫ ИТОГИ

В Ташкенте прошли двухдневные учебно-методические сборы начальников спортивно-технических клубов республики Каракалпакстан и областных организаций ОСО «Ватанпарвар».

На них были подведены итоги их деятельности в уходящем году, проанализированы причины имеющихся недостатков, даны практические рекомендации по решению проблем, определены новые задачи, исходящие из целей оборонного общества.

Участники сборов посетили ряд организаций ОСО «Ватанпарвар» в Чиланзарском и Юнусабадском районах Ташкента, а также Газалкентского района столичной области.

УзА.

Фан ва техника янгиликлари

ҚАЧОН УЗОҚ ЯШАЙДИ?

Бостондаги «Бет-Израэльдиконесс» тиббий марказининг доктори Томас Пэрис, агар аёл 40 ва 50 ёшлар атрофида туғса, у узоқ яшаши мумкин, деган фикрни ўртага ташламоқда.

Олим бундан юз йил муқаддам яшаган 130 нафар аёлнинг тиббий картасини қиёсий ўрганиб чиқиб, 40 ва 50 ёш ўртасида бола кўриш — юз ёшгача умр кўришга тўрт карра кўп имконият, деяётир.

Нимаям дердик, олимнинг бу хулосаларини илмий изланишлар, қолаверса, вақт кўрсатади.

ЗАПОВЕДНИК ДЛЯ КОЛИБРИ

Ученые бьют тревогу — в джунглях Южной Америки, где вырубаются деревья и строятся новые дороги, становится все меньше колибри. Эти нежные птички не переносят промышленных дымов фабрик и выхлопных газов автомобилей.

В Перу создан Национальный парк Ману, который позволяет спасти значительную часть экосистемы. Парк занимает территорию свыше 15 тыс. кв. км. Колибри там обеспечено полное раздолье. В этой запретной для туристов, охотников и звероловов зоне вместе с колибри сохраняются анаконды, броненосцы, ленивцы, крокодилы, ягуары, оцелоты и другие виды редких животных.

УЙҚУСИЗЛИККА ҚАРШИ

Ҳатто кекса одамлар ҳам ёш боладек бемалол ухлай олиши мумкин. Бу борада Макс Планка номли институтда тадқиқот ўтказган мюнхенлик руҳшунос Марике Лансель ана шундай фикрда. Маълум бўлишича, яратилажак янги восита бир қанча вақт давомида уйқуни маромига солиб тураркан.

Олимни бу муаммо билан жиддий шуғулланишга ундаётган омил бор. У ҳам бўлса айни пайтда немисларнинг 10 фоизини уйқусизлик касаллиги қийнаётганидир. Айниқса, 60 ёш атрофидаги кишиларда бу кўрсаткич ҳатто 40 фоизни ташкил этади.

«Мусқимол» ва «Габоксадол» деб номланувчи янги препаратлар миянинг уйқу рецепторларига бевосита таъсир этади, аммо уйқу тизимига дахл солмайди. Олимнинг илк тадқиқоти ўз самарасини берди. У ўз тажрибаларини ҳали давом эттирмоқда.

УНИКАЛЬНЫЙ ЭКСПОНАТ

Яйцо вымершего страуса — уникальный экспонат Этнографического музея в Улан-Удэ. Длина его — 20 см, а наибольший диаметр — 16 см. Яйцо археологи нашли при раскопках стоянки древних людей в Забайкалье. Перед тем как передать редчайшую находку в музей, ее собирали из сотен осколков скорлупы толщиной в 2 мм.

Специалисты считают, что в Восточной Сибири страусы вымерли почти в одно время с мамонтами.

ТОБЛАНИШ — ХАВФЛИ

Англиядаги Лидс университетининг олими профессор Рей Картрайт офтобда тобланишнинг хавфли эканлигини маълум қилди. Унинг фикрича, қуёшдан келаётган ультрабинафша нурлари нафақат тери ракини, балки қон, лимфа ракини, шунингдек, бошқа бир қанча касалликларни юзага келтириши мумкин экан.

ЖЕЛЕЗНЫЙ ВЕК В АФРИКЕ

Изучая обычаи племени хайя, населяющего западный берег озера Виктория в Танзании, ученые обнаружили, что этому племени издревле было знакомо искусство выплавки железа. При раскопках было найдено 13 металлургических печей, их возраст составляет от 1500 до 2000 лет. Устроены они почти так же, как и печь, которую хайя построили по просьбе исследователей. Демонстрируя свое умение, старейшины племени соорудили полуторараметровую коническую печь типа примитивной вагранки из шлака и грунта, взятого в термитнике.

Матбуот материаллари асосида тайёрланди.

● В КАБИНЕТЕ МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ

ПРОБЛЕМЫ ОПТОВЫХ РЫНКОВ

В Кабинете Министров состоялось заседание Комплекса приватизации и развития предпринимательства. В его работе приняли участие руководители министерств, ведомств, территориальных управлений Госкомимущества, республиканских учреждений рыночной инфраструктуры. Были рассмотрены вопросы функционирования оптовых рынков и меры по совершенствованию их деятельности для дальнейшего развития и поддержки предпринимательства. Вел заседание заместитель Премьер-министра председатель Госкомимущества В. Чжен.

В республике подготовлены правовые основы, созданы организационные условия для формирования целостной системы оптовых рынков, отмечалось в ходе обсуждения. Воплощается в жизнь концепция формирования оптовых рынков в Узбекистане, используется прогрессивная методика прогноза основных направлений развития биржевой и оптовой торговли. В подготовке нормативных и методических документов принимают участие специалисты Госкомимущества, Госкомитета по науке и технике, Минмакроэкономстата, Республиканской палаты товаропроизводителей и предпринимателей, Узоптбиржеторга, Республиканской товарно-сырьевой биржи и других рыночных структур. В соответствии с принимаемыми мерами в республике создаются оптовые сельскохозяйственные рынки типа «караван-сарай», функционируют предприятия мелкооптовой торговли, регулярно организуются биржевые ярмарочные торги.

Однако, подчеркивалось на заседании, звенья рыночной инфраструктуры еще недостаточно скоординировали свои действия в работе по закупке и продаже продукции, особенно сельскохозяйственной, что говорит, в частности, о слабой работе подразделений агропромышленного комплекса. Не в полной мере используется институт посреднических организаций, отмечаются формализм в работе, другие упущения.

На заседании намечены конкретные меры по организации эффективной оптовой торговли, сближению позиций производителей, посредников и потребителей, созданию конкурентной среды внутри республики и повышению экспортного потенциала.

УзА.

● ЗАМЕТКИ ПУБЛИЦИСТА

На взаимном доверии и уважении

12—13 декабря Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов находился в новой столице Казахстана — Акмоле. Повод для этого был очень убедительный: во-первых, Президент Н. Назарбаев, правительство и парламент республики переехали в новую столицу и начали свою деятельность на новом месте. Торжества по этому случаю совпали с Днем независимости Казахстана, отмечающего свою 6-ю годовщину. И во-вторых, здесь, в новой столице дружественной страны, должно было состояться очередное заседание Межгосударственного совета руководителей Казахстана, Кыргызстана и Узбекистана.

Декабрь — венец года. Исторически сложилось так, что все мы, в какой бы отрасли ни трудились, где бы ни работали, невольно оглядываемся на пройденный путь, сверяем свои результаты с тем, что намечали, вносим коррективы, делаем наброски на будущее. Тем более в такой сфере, как межгосударственные отношения трех, объединенных единым договором государств.

Особенность этой встречи состояла в том, что она была приурочена к таким важным и радостным для Казахстана событиям, как празднование 6-й годовщины независимости и начало работы правительства страны в новой столице. Именно на это и обратил внимание журналистов Ислам Абдуганиевич Каримов на пресс-конференции по окончании заседания Межгосударственного совета. Он, в частности, сказал:

— Заслуживает особого внимания, что наша встреча проходит в неразрывной связи с историческими событиями. Я хотел бы поздравить Президента Н. Назарбаева, жителей Акмолы, народ всего Казахстана с этим историческим днем. Сама природа одарила Акмолу экономическим, коммуникационным, технологическим потенциалами. Этот город имеет все условия для того, чтобы быть столицей Казахстана, достичь величия, присущего столице. Однако нужно подчеркнуть и то, что перевод столицы требует большой отваги и возлагает большую и серьезную ответственность на людей, принявших такое решение. Такую ответственность не каждый может возложить на себя.

Главной темой заседания Межгосударственного совета стали вопросы реализации Договора о создании единого экономического пространства, подписанного в апреле 1994 года, и о создании международных консорциумов по таким вопросам, как рациональное использование энергетических и водных ресурсов, проблемам продовольствия, транспортных коммуникаций, освоения и переработки минерально-сырьевых ресурсов.

В центре внимания руководителей трех стран были также вопросы выполнения программы сотрудничества, рассчитанной до 2000 года, и мероприятия по совместным действиям в 1998 году.

Как вы помните, идея создания международных консорциумов по важнейшим сферам жизнедеятельности дружественных государств принадлежала Президенту Узбекистана Исламу Каримову. К этой встрече им и были представлены детально разработанные соответствующие проекты.

Надо иметь в виду, что **консорциум — это соглашение, заключаемое между государствами с целью проведения определенных деловых операций в интересах участников соглашения.** Поскольку наши страны — Казахстан, Кыргызстан и Узбекистан — тесно связаны между собой, а их интересы и деловые связи многогранны, это создает естественные предпосылки для создания таких консорциумов. Это предопределено самой судьбой, нашими историческими корнями и многовековыми связями.

Каковы цели предлагаемых консорциумов?

1. Обеспечение более устойчивого и поступательного социально-экономического развития стран—участниц консорциума.

2. Налаживание более разумного и более эффективного использования имеющихся ресурсов.

3. Содействие дальнейшей активизации процесса взаимного сотрудничества в производственной и технологической сферах, приведение перестройки экономических структур в соответствие с потребностями мирового рынка.

4. Повышение качества продукции и услуг, подъем их конкурентоспособности до уровня мирового рынка, увеличение экспортного потенциала стран региона.

5. Содействие ускорению темпов интеграции стран—участниц консорциума в мировую экономику.

Консорциум, если перевести это латинское слово на русский язык, означает соучастие, сообщество. Оно не связывает каждую из стран-участниц жесткими рамками интеграционных процессов, а предполагает индивидуальный учет возможностей каждой из стран. Поэтому интеграция Узбекистана, Казахстана и Кыргызстана будет многовариантной. Она будет определяться каждым из государств в зависимости от его целей и возможностей, уровня социально-экономического развития страны. И в то же время каждое из государств будет само выбирать пути и формы его участия в процессах интеграции в мировую экономику. Само же межгосударственное сотрудничество в рамках консорциума будет осуществляться поэтапно и даст возможность проводить совместную работу с учетом экономического потенциала государств, географического положения и наличия трудовых ресурсов.

Как видим, эта форма сотрудничества взаимовыгодна, демократична и достаточно эффективна. Вот почему главное внимание на заседании Межгосударственного совета было уделено вопросу создания международных консорциумов. **Главы государств обсудили вопросы, связанные с определением сфер, для развития которых в первую очередь необходимо составить инвестиционные проекты, порядок их финансового обеспечения, структуру будущих консорциумов, принципы их управления, вопросы совершенствования правовых основ для координации их деятельности.** Проведен был обмен мнениями по вопросам улучшения работы в таможенной и налоговой сферах, ценовой и денежно-кредитной политике.

Президенты одобрили концепцию создания консорциумов и еще раз заявили об открытости экономического пространства трех государств для других стран.

Таким образом, **наши дружественные страны показывают пример другим странам, каким должно быть равноправное и взаимовыгодное сотрудничество, основанное на доверии и уважении, каким должен быть процесс интеграции.**

Отвечая на вопросы журналистов, Президент И. А. Каримов подчеркнул, что сотрудничество между странами Центральной Азии не противоречит Уставу СНГ.

Он также сказал, что таких открытых, бескорыстных, искренних отношений, какие сложились между тремя государствами, он нигде больше и никогда не встречал.

Мы, узбекистанцы, уверены: дружественные отношения между братскими странами будут набирать силу, развиваться на благо наших народов и государств.

Воины-узбекистанцы приветствуют итоги заседания Межгосударственного совета и одобряют деятельность Президента нашей страны по углублению интеграции дружественных стран. Они уверены, что благодаря его усилиям и взаимопониманию руководителей стран эта интеграция поднимется на новую, более высокую ступень и уже в ближайшие годы даст свои практические результаты для блага народов наших стран, связанных вековыми узами дружбы.

А. ХЛЫЗОВ.

● МАМЛАКАТЛАР, МИЛЛАТЛАР, ОДАТЛАР

ФИНЛЯНДИЯ

80 ЁШЛИ ИСТИҚЛОЛ

Пойтахти — Хелсинки. Мамлакат расман Финляндия Республикаси дейилади. Финляндия бу йил мустақилликка эришганлигининг 80 йиллигини нишонлади. Ўзин 1917 йил 6 декабрда жаҳон харитасида янги бир давлат пайдо бўлди.

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, 1999 йилгача мамлакат аҳолиси 5 066 000 нафарга етиши мумкин. Умумий майдони 338145 км²га тенг мазкур мамлакатда ҳар километр квадратга 15 киши тўғри келади.

Финляндиянинг миллий мадҳияси «Бизнинг замин» деб ном олган.

1919 йилда республика ўз конституциясига эга бўлди. Унга кўра, 18 ёшга етган фуқаролар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга.

Бир палатали қонун ишлаб чиқарувчи олий органи «Эдускунта»да 200 нафар аъзо бор. Аъзолар ҳар 4 йилда сайланади.

Давлат бошлиғи — президент. Президент «Электорал коллег» (301 нафар аъзоси бор) томонидан 6 йилда сайланади.

Маъмурий бўлинишга кўра мамлакатда 12 та провинция бор. Президент ҳар бир провинцияга губернатор тайинлайди.

1955 йил 14 декабрда мамлакат БМТга аъзо бўлди.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ

Финляндия социал-демократик партияси 1918 йилдан фаолият кўрсата бошлаб, унга 1899 йилда асос солинган эди. Партия ишчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Миллий коалиция партиясига 1918 йилда асос солинган бўлиб, у йирик саноатчи, молиячи, эгаларнинг манфаатларига хизмат қилади. Халқ либерал партияси эса 1965 йилда ташкил топди. Олий ва ўрта табақа давлат хизматчиларининг манфаатлари бу партияда ўз аксини топган. Финляндияда булардан ташқари бир қанча партиялар мавжуд.

АРМИЯСИ

Президент мамлакат қуролли кучларининг олий қўмондони ҳисобланади. Мамлакат армиясида 34400 нафар ҳарбий хизматчи мавжуд. Финляндияда армия қуруқлик, денгиз, ҳаво қўшинларидан ташкил топган. 17 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркак фуқаролар 8—11 ой мобайнида ҳарбий хизматни ўташлари лозим.

«ЛАППС» — ТУБ АҲОЛИ

Қадимда фин заминида «Лаппс» деб номланувчи овчилик билан шуғулланадиган элат яшаган. Айни пайтда шимолий Финляндияда 6 минг нафар мазкур элат вакиллари бор. Маълумотлардан ойдинлашишича, аҳолининг 90 фоизи финлар. Швед миллатига мансуб

кишилар ҳам анчагина. Мамлакат аҳолисининг 95 фоизи фин, 5 фоизи швед тилида сўзлашади. 62 фоизи шаҳарда, 38 фоизи қишлоқларда истиқомат қиладилар.

ШАҲАРЛАРИ

Саноат маркази бўлган пойтахт Хелсинкида 500 мингдан зиёд киши яшайди. Мамлакатнинг Тампере ва Турку шаҳарларида эса 150 минг нафардан аҳоли бор.

МАОРИФ ТИЗИМИ

Мамлакатда саводсизликка барҳам берилган. Ёшларнинг бари ўқиш, ёзишни билишади. Айни пайтда Финляндияда 13 та университет, 26 та институт бор. Олийгоҳлар ичида энг каттаси Хелсинки университети ҳисобланади.

БОЖХОНАЧИЛАР ТАШВИШИ

Сўнгги йилларда Финляндия божхонаси вакилларини алкогол ва гиёҳвандлик моддалар контрабандасидан ташқари қалбаки маҳсулотлар ҳам ташвишга солмоқда. Шу маънода жорий йилнинг августи божхона ходимлари учун «самарали» бўлди. Негаки улар Вантаа халқаро аэропортида 50 минг дона қалбаки компакт-дискларни мусодара қилишга мажбур бўлишди.

ЖАҲОН РЕКОРДИНИ ЎРНАТДИ

Жорий йилнинг февраль ойида Финляндия аҳоли жон бошига тўғри келадиган мобил телефонлари орқали жаҳон рекордини ўрнатди. Унга кўра, ҳар 100 фуқарога 30 та ана шунақа аппарат тўғри келади. Шу сабабли финлар «Нокиа» уяли алоқа телефонини давлат гербига ҳам киритса бўлади, деб ҳазиллашиб қўйишади. Айтганча, «Нокиа» компанияси фин иқтисодининг асосини ташкил этиб, жаҳон бозорида телекоммуникация жиҳозлари билан машҳур.

Маълумотларнинг кўрсатишича, АҚШда ҳар 100 фуқарога 17, Японияда — 15, Буюк Британия ва Италияда — 10 дона уяли телефон аппарати тўғри келаркан.

ҚИСҚАЧА ТАРИХ

1100—1200 йилларда мамлакатни Швеция мустамлака қилган бўлса, 1809 йилдан 1917 йилгача Финляндия рус империяси мустамлакасининг таъсири остида бўлиб келди.

МАТБУОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ

Мамлакатда 65 та кундалик газета нашр этилади. Шулардан энг оммавийлари, Хелсинкида чиқадиган «Хелсинки Саномат», «Латулехти» (Тампере) ва «Турун Саномат» (Турку) газеталаридир. Финларнинг ҳар икки нафарига 1 дона радио, 3 нафарига 1 дона телевизор тўғри келади.

А. САФАРОВ тайёрлади.

1998 ЙИЛ — ОИЛА ЙИЛИ

Оилапарварлик муборак бўлсин!

Дунёда боласини, ота-онасини суймайдиган миллат йўқ. Энг ривожланган маданий халқлардан тортиб, ярим ибтидоий қабилаларгача бу масалада ўзларини олдинги ўринга қўйишади: «Бизчалик меҳрли, бизчалик меҳридарё элат бўлмаса керак» деб ўйлашади.

Аммо ўзбекнинг болажонлиги, ота-онасига ҳурмат-эътибори беқиёс. Емайди — едиради, киймайди — кийдиради. Топганини қушдек уйига — хонадонига ташийди. Қатор терилишиб ўтирган «полапонларига» қараб тўймайди. Сал бошқачароқ гап қилгудек бўлсангиз «ўнта бўлса ўрни бошқа», дея гапингизни шарт кесиб қўяди.

Муштдек чақалоқ баҳодиркелбат йигит бўлмагунча, унинг икки-уч боласини ҳидлаб-ҳидлаб суймагунча бўлак чиқармайди. Неваларининг кўплигидан ёш боладек суюнади.

Ўзбек хонадонида уйнинг тўри, кўрпачанинг қалини бобо, бувиники. Ёстиқнинг юмшоғи, чойнакнинг чиройлиси ҳам шуларники. Бир сўз билан айтганда, оила ўзбек учун тинчлик, хотиржамлик қўрғони, қалъаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам миллатнинг етти ёшдан етмиш ёшлисигача уни доим пок-покиза тутади. Ёмон кўзлардан сақлайди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Қомусининг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», дея ёзилган. Демак, «Соғлом авлод учун» ҳайрия жамғармасининг ташкил қилинишига, кетма-кет оналик ва болаликни муҳофаза қилувчи қонунлар, қарорлар чиқишига, 1998 йилнинг «Оила йили», деб номланишига ҳам фавқулодда бир ҳолатлар сабабчи эмас. Балки бу ерда бир қонунийлик, миллат, давлат манфаатлари бор. Яъни, асосий мақсад халқнинг бобомерос хислатларини сақлаб қолиш, оилаларни моддий, маънавий томондан қўллаб-қувватлаш билан жамият, давлат куч-қудратини, маънавий ҳаётини янада юқори даражага кўтаришдир.

Агар дунёнинг жуда кўп ривожланган мамлакатларида оилага бўлган муносабат ўзгариб бораётганлигини, жамиятнинг бир бўлаги, асоси ҳисобланган оиланинг таназзулга учраётганлигини инобатга оладиган бўлсак, ёш давлатимизнинг ушбу қарори катта аҳамиятга эга эканлиги ойдинлашади.

Келинг, гапимиз қуруқ, исботсиз бўлмаслиги учун мисолларга мурожаат қила қолайлик: ҳозир Испанияда турмуш қураётган ҳар саккизинчи оила бузилиб кетмоқда. Вақолангки, бундан 25 йил олдин ажралиш 100 оиладан бирига тўғри келар эди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Буюк Британия ажралиш бўйича Европада энг юқори кўрсаткичга эга. У ерда ҳар 10 оиладан 4 тасида никоҳ бекор қилинмоқда.

Германияда эса кўпчилик турмуш қуришни умуман истамайди. Бундан атиги бир неча йил олдин мамлакатдаги хусусий уйларнинг 35 фоизида 1 одам, 31 фоизида эса 2 одам яшарди.

Францияда ҳам оила қуриш йилдан-йилга камайиб бормоқда. Қурилган оилалар ҳам жуда тез нураяпти.

АҚШ, Россия ва бошқа кўплаб мамлакатларда эса никоҳсиз туғилаётган болалар жуда кўпайиб кетмоқда. Кўпчилик оналарнинг ўзлари ҳали энди балоғат ёшида. Ёш оналар кўпчилигининг болалари бошқа-бошқа оталардан туғилган.

Халқаро ахборот агентликлари тарқатаётган маълумотларга кўра дунёда миллионлаб болалар кўча-кўйларда яшамоқда. Уларнинг кўпчилиги ёмон муомала туфайли уйларидан қочиб кетганлар. Ёки ота-оналарининг ўзи фарзандларини боқолмасдан кўчага ҳайдаб юборганлар...

Мана, кўриб турибмизки, кўпчилик давлатларда оила таназзулда. Оилалар бахтсиз. Болалар ота-оналарга бўйсунмайди, ота-оналар ўз жигарпораларини уриб-қийнашади. Ичкилик, нашавандлик авжида. Миллионлаб болалар, катталар учун оила тинчлик, хотиржамлик соҳили, дам оладиган, куч тўплайдиган масканга бўлмай қолган. Китоблар, газета-журналлар, радио, телевидение орқали «бахтиёр оила қуриш йўллари» тинимсиз кўрсатиб борилаётгани ҳам фойда бермаяпти. Темирни қизиғида босиш вақти аллақачонлар ўтиб кетган...

Юқоридаги мисолларга қараб, хотинсиз, эрсиз, фарзандсиз, қарияларсиз ҳувиллаб ётган хонадонлар, оилага нафрат кўзи билан қарайдиган видеохўр, роботсифат насллар — нусхалар пайдо бўлаётганлигидан даҳшатга тушасиз. Чунки оилалар таназзули халқ учун ҳам, давлат учун ҳам ўнглаб бўлмайдиган даражадаги емирилиш, нураш-ларни бошлаб бериши аниқ.

Шундай экан, Юртбошимизнинг, ёш давлатимизнинг оилага диққат-эътиборини фақат ва фақат қутлаш керак. Бундан фақат суйиниш керак. Зеро, мустаҳкам оилалар, мустаҳкам маҳаллаларга, қишлоқларга, шаҳарларга, улар эса ўз навбатида куч-қудратли давлатга, жипс, яқдил халққа асос, замин бўлиши барчага аён. Шундай экан, оилапарварлик барчамизга муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

Катта лейтенант А. УСМОНОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

● СПОРТ

САЛОМАТЛИК СПАРТАКИАДАСИ

Навоийда Инсон манфаатлари йилига бағишлаб, «Саломатлик» спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан спортчилар қатнашди. Тўрт кун давом этган бу тадбирни Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси ҳамкорликда ўтказди. Спортнинг мини-футбол, теннис, енгил атлетика, бокс ва бошқа турлари бўйича ўтган мусобақалар якунига кўра умумкоманда ҳисобида навоийликлар биринчи, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари спортчилари иккинчи, учинчи ўринларни эгаллади.

Спартакиада голибларини Навоий вилояти ҳокими Ҳ. Ғаффоров, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Маҳситов табриклади. (ЎзА).

ҲИКМАТЛАР

Қилинган яхшиликнинг офати — «яхшилик қилдим» деб мақтаниб юришдир.

***

Эртаси кун қайғуга сабаб бўладиган бугунги шодликнинг маъноси йўқ.

***

Ўзларига кераксиз нарсаларни олувчилар кейин керакли нарсаларни сотишга мажбур бўладилар.

***

Ўз даражангга муносиб ўринни билиб ўтирсанг, бу ўриндан сени ҳеч ким қўзғата олмайди.

***

Ҳасад — юракнинг занглаши, қайсарлик — мағлубият сабабчисидир.

***

Оёғингиз югурса мақсадингизга етказади, тилингиз югурса бошингизга фалокат келтиради.

Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларида пасбонлар саломатлигига алоҳида диққат-эътибор қаратилган. Тиббий бўлимларда барча шарт-шароитлар муҳайё. Малакали шифокор офицерлар аскарлар соғлигини муҳофаза қилиш ва тиклаш йўлида фидойи хизмат қилмоқдалар.

СУРАТДА: катта лейтенант Баҳодир Алиев қабулида бўлган пасбон тиш оғриғидан бир умр форигдир.

Ш. ЗУФАРОВ суратга олган.

Маънавият ҳарбийнинг кучи

Мамлакатимиз мустақиллиги, халқимиз осойишталигининг ишончли ҳимоячиси бўлган Қуролли Кучларимиз сафларини юксак эътиқодли, маънавиятли ёшлар билан тўлдириб бориш Мудофаа вазирлиги тизимидаги барча тузилмалар эътиборида турибди. Бўлажак юрт посбонларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида кейинги йилларда ҳарбий қисмларда, мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимларида ташкил этилаётган Маънавият ва маърифат хоналари ҳам салмоқли ўрин тутади. Куни кеча шундай маърифат ўчоқларидан бири Тошкент шаҳар Чилонзор тумани мудофаа ишлари бўлимида фаолият кўрсата бошлади.

Бу ерда ташкил этилган экспозицияда Ватанимизни ҳимоя қилиб мангу шон-шарафга сазовор бўлган Тўмарис, Широқ, Спитамен каби аждодларимиз, дунё бўйича энг қудратли қўшин соҳиби бўлган турки қабилалар тарихи Алп Эр Тўнга ҳақидаги қўлёзмалар, археология ёдгорликларининг расмлари, сўғд ва Ўрхун — Энасой ёзма ёдгорликлари ёрдамида кўрсатиб берилган. Алоҳида экспозициялар Ватан ҳимояси, Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий санъатига бағишланган.

Мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизими, унинг ҳуқуқий асослари ҳамда вазифалари ҳақида тушунча берувчи экспозиция алоҳида эътиборга сазовор. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучлар Бош қўмондони И. А. Каримовнинг асарлари, Конституциямиз матнлари, Умумҳарбий Низомлар, фотосуратлар ва ҳужжатлар ёрдамида бўлажак ҳарбийларга илк сабоқ бериш мумкин. Чилонзор тумани мудофаа ишлари бўлими фаолияти, унинг жамоаси, фахрийлари, умидли ёшлари ҳақида ҳам алоҳида экспозиция яратилган.

Маънавият ва маърифат хонасининг тантанали очилиш маросимида Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси ва бўлимлари ходимлари, Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан келган меҳмонлар иштирок этдилар. Маросимда сўзга чиққан Чилонзор тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи полковник Шуҳрат Назаров, бўлинма бошлиғи капитан Исроил Яраше в, катта прапорщик Юсуф Раҳмонқуловлар Маънавият ва маърифат хонасининг келажакдаги режалари, бу ерда ташкил этилажак кутубхона, бадиий-оммавий тадбирлар ҳақида сўзлаб бердилар.

Тантанали маросим қатнашчилари Республикамизнинг барча жойларида шундай Маънавият ва маърифат хоналари ташкил этилиши мақсадга мувофиқ эканлигини яна бир бор эътироф этишди.

Ўткир ЁРМУҲАМЕДОВ, «Маънавият посбони» илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директори.

● ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

ШОЛҒОМДАН ТАЙЁРЛАНАДИГАН САЛАТЛАР

I. 1,5 кг шолғом, 300 г кўк салат, 300 г кўк пиёз, 30 г укроп, 50 г ўсимлик мойи, 30 г сирка, таъмига қараб туз.

Артилган шолғом тузли сувда пиширилади, юпқа қилиб тўғралади, майда қилиб тўғралган салат барглари, кўкпиёз билан аралаштирилади, устидан ўсимлик мойи, сирка ва тайёр хантал қўйилади.

Дастурхонга тортишдан олдин идишга уюм қилиб солиб, усти салат барглари ва майда тўғралган укроп билан безатилади.

II. 4 та шолғом, 4 та сабзи, 80 г кўкпиёз, 1 та олма, 125 г сметана ёки 3 ош қошиқ ўсимлик мойи, 1 та ош қошиқ 3%ли сирка, таъмига қараб туз ва қалампир.

Шолғом ва сабзи майда қилиб тўғралади ёки йирик тишли қиргичдан ўтказилади, тўғралган кўкпиёз қўшилади, туз, қалампир, сметана ёки сирка қўшилади, устидан ўсимлик мойи қуйилади, идишга солиб, олма бўлакчалари билан безатилади. Олмалар қорайиб кетмаслиги учун уларга сирка ёки лимон кислотаси сепилади.

III. 100 г шолғом, яримта тухум, 30 г сметана.

Шолғом тозаланади, ювилади, юпқа қилиб тўғралади, сметана, таъмига қараб туз, қалампир, бироз сирка, пиёз қўшилади. Пиширилган тухум бўлакчалари салат устига қўйилади.

КАРТОШКАДАН ТАЙЁРЛАНАДИГАН САЛАТЛАР

I. 400 г картошка, 80 г пиёз, 40 г ўсимлик мойи, 20 г сирка, янчилган қора мурч, петрушка, таъмига қараб туз.

Картошка пўчоғи билан пиширилади, совумасдан арчилади, совугандан кейин куб шаклида тўғралади. Бошпиёз майда қилиб тўғралади ва картошкага қўшилади.

Салат идишга солиниб, устига сирка, ўсимлик мойи қуйилади, янчилган қора мурч ва майда қилиб тўғралган петрушка сепилади.

Агар салатга 100 г майонез қўшилса, у яна ҳам хушҳўр бўлади.

II. 5 та картошка, 2 ош қошиқ ўсимлик мойи, 1 чой қошиқ шакар, 1 ош қошиқ лимон шарбати, туз.

Пишган картошка ўртача катталикда тўғралади, туз сепилади, лимон шарбати, шакар, ўсимлик мойи қўшиб аралаштирилади.

Ж. ВАЛИЕВА тўплаган.

● СОВЕТЫ ВРАЧА

НЕМНОГО О ГЛАЗАХ

Когда глаза сильно воспалены, а веки подпухли, нужно делать компрессы:

1. В сшитые из мягкой ткани мешочки величиной с глазную впадину всыпьте немного чая или ромашки. Поместите их в чашку с кипятком и оставьте на 5—10 минут. Затем, пока они еще теплые, наложите одновременно на два глаза. Этот компресс предохранит ваше лицо и от раннего появления морщинок вокруг глаз.

2. Свежий картофель натереть на терке, завернуть в кусочки марли и приложить к глазам. Через 15 минут компресс снять и осторожно смазать веки и кожу вокруг глаз кремом.

3. Приложите на три минуты к глазам вату, смоченную в чистой теплой воде. На следующие три минуты приложите вату, смоченную в холодной воде. Проделайте эту процедуру 6—7 раз. Этот компресс особенно хорошо действует после слез.

При увядших веках и сухой коже около глаз необходимо делать масляные компрессы. На закрытые глаза положите ватку или марлю, пропитанную растительным маслом, потом промойте глаза и излишки масла удалите.

Если кожа лица сухая и около глаз появились морщинки, то вокруг них необходимо поддерживать кремом едва заметную влагу. Крем легко вбивайте кончиками пальцев.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



СОАТ МИЛИ ЙЎНАЛИШИДА: 1. Сабзавот. 2. Ҳарбий қўшилма. 3. Тафтишчи. 4. Лампа мойи. 5. Сув бетида ўсадиган гул. 6. Маъруза ўқиш учун махсус қурилган минбар. 7. Бирор воқеани олдиндан айтиб бериш. 8. Иккидан бир бўлаги. 9. Хушқомат аёл. 10. Сулидан тайёрланган нордон ичимлик. 11. Ёстиқнинг сиртқи жилди. 12. Дорининг филофчаси. 13. Офицерлик унвони. 14. Бирор кайфиятни ифодаловчи овоз. 16. Мева. 17. Халқаро ҳарбий уюшма. 18. Қиз боланинг исми. 19. Найча эмас, ейилади. 20. Номи ўзини ҳимоя қиладиган дарахт. 21. Вулкандан отилиб чиқадиган тоғ жинси. 22. Ичимлик. 23. Бригада. 24. Шаҳарнинг кичик бўлаги. 25. Соқчи. 26. Ишнинг ўнгдан келиши. 27. Дурадгорлик асбоби. 28. Бирор ҳодисани маълум вақт орасида такрорланиб туриши. 29. Думба. 30. Зараркунанда ҳайвон. 31. Илон тури. 32. Юрак сиқилганда ичилади. 33. Ранглар уйғунлиги. 34. Уй, бино. 35. Мол сақланадиган бино. 36. Иккиланиб турадиган одам.

Илҳом ЗОИРОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 150-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 5. Қарағай. 6. «Ҳапалак». 9. «Қасам». 10. Шаҳар. 13. «Дамас». 14. Каналерал. 15. «Хабар». 18. Қарчиғай. 19. Пачкамар. 20. «Халокат». 23. Наъматак. 24. Марҳамат. 29. Каврат. 30. Пастерлаш. 31. Радар. 34. Лапар. 35. Парад. 36. Назокат. 37. Радикал.

БУЙИГА: 1. Башорат. 2. Дакар. 3. Қалам. 4. Ҳаракат. 7. Ватар. 8. Какао. 11. Сайрам. 12. Паргар. 16. Магадан. 17. Чағалай. 21. Саодат. 22. Машраб. 25. Нафосат. 26. Масал. 27. Наган. 28. Марокаш. 32. Садаф. 33. «Насаф».

● ТУҲФА

СЕВГИДАН ҲАМ ШИРИН

Бу дунёда бахт бор,
тақдир бор,
Кимга чаман, кимга
тақир бор.
Севгидан ҳам ширин
надир бор,
Билмаганлар буни
билмайди.

Бир умрни боғ этган ҳам шу,
Чўккан дилни тоғ этган
ҳам шу,
Мард йигитни доғ этган
ҳам шу,
Билмаганлар буни билмайди.

Эр кўксига бўронлар берган,
Қанча ширин армонлар
берган,
Алпомишлар туш кўриб
юрган,
Билмаганлар буни билмайди.

Кўздан яқин у, қошдан азиз,
Энг севинчли кўз ёшдан
азиз,
Ҳатто ою қуёшдан азиз,
Билмаганлар буни билмайди.

Чўғдай ёниб кетган у қалам,
Қанийди бир айтсайди:
«Болам...»
Ҳазиннини куйдирган алам,
Билмаганлар буни билмайди.

Юксак ғоя, сезги дейдилар,
Энг аввало севги дейдилар,
Қолган гаплар эски
дейдилар,
Билмаганлар буни билмайди.

Гарчи севги асалдир,
қанддир,
Барча диллар унга
пайванддир,
Севгидан ҳам ширин
фарзанддир,
Билмаганлар буни
билмайди.

Спрожиддин САЙИИД.

ОНАЖОНИМДИР ШИРИН

Яхши кўрган нарсаларим,
Дунёда кўп, бир олам.
Ҳаммасини ёзаверсам,
Тугаб қолади қалам.
Лекин, бугун айтсам сизга,
Биттасини яширин.
Ҳамма, ҳамма нарсалардан,
Онажонимдир ширин.

Олимжон ҒАФФОРОВ, Қашқадарё вилояти, Ғузор шаҳри.

● ПОЧЕМУ МЫ ТАК ГОВОРИМ?

В БОЮ ТОЛЬКО ТОТ БЬЕТ, КТО НЕ БОИТСЯ ПОГИБНУТЬ

Впервые эту мысль высказал А. В. Суворов. Генерал М. И. Драгомиров привел ее в предисловии к «Учебнику тактики», изданному в 1879 г.: «Приучить свою мысль к готовности сражаться насмерть составляет условие капитальной важности в военном воспитании, в бою только тот бьет, кто не боится погибнуть; для человека, воспитавшего себя таким образом, нет неожиданностей: ибо более того, на что он сам себя обрек, неприятель ничего с ним сделать не может».

ОГНЕМ И МЕЧОМ

Выражение возникло еще в древности, встречается оно в произведениях греческих и римских авторов. В те далекие времена был жестокий способ лечения воинов: раны чистили ножом (мечом), а прижигали огнем. Со временем первоначальный смысл выражения утратился. Теперь оно употребляется в значении — действовать жестоко, беспощадно, прибегать к самым крутым мерам насилия, истреблять и разорять противника всеми возможными средствами.

ПОБЕДИТЕЛЕЙ НЕ СУДЯТ

Исследователь и собиратель крылатых слов и пословиц М. И. Михельсон в книге «Ходячие и меткие слова» (1896) приписывает это выражение Екатерине II. Будто она поставила такую резолюцию на приговоре, когда Суворова отдали под суд за то, что он вопреки приказанию фельдмаршала П. А. Румянцева взял в 1773 г. укрепленный пункт Туртукай. Правда, исследователь полководческой деятельности А. В. Суворова А. Ф. Петрушевский в книге «Генералиссимус Суворов» сообщает, что «существовавший в литературе анекдот, опровергнутый лишь позднейшими исследователями, об отдаче Румянцевым Суворова под суд за произвольный будто бы поход на Туртукай принадлежит к области чистого вымысла». Тем не менее фраза «победителей не судят» распространилась, дошла до наших дней. А. Н. Толстой в статье «Крушение немецких иллюзий» (1943) писал о том, что гитлеровцы начали войну с лозунгом «Победителей не судят», кончают войну с лозунгом «В этом доме больше не бывать».

ГОСУДАРСТВЕННАЯ МАШИНА. ВОЕННАЯ МАШИНА

Английский философ Гоббс в сочинении «Левиафан» (1651) сравнивал элементы государственного устройства с деталями машин, хотя термина «государственная машина» он не употреблял. Во второй половине XVIII века выражение «государственная машина» встречалось в работах немецкого мыслителя и писателя Иоганна Гердера (1744—1803). В XIX веке термины «административная машина», «военная машина» и т. п. стали более употребительными.

Современные писатели и военные деятели часто используют выражения «военная машина», «агрессивная машина» и т. п.

БЫСТРОТА И НАТИСК — ДУША НАСТОЯЩЕЙ ВОЙНЫ

Одним из важнейших условий победы А. В. Суворов (1730—1800) считал быстроту. Он приучал своих солдат к ускоренным переходам, тщательно их продумывал, часто поднимал солдат, с тем чтобы пройти пять—семь километров до того, как начнет припекать солнце. Быстрота суворовских маршей вошла в историю военного искусства. В 1768 г. Суздальским полком из Ладоги в Смоленск в условиях осеннего ненастья и бездорожья он прошел 850 верст за 30 дней. Воины под его командованием 50 верст проходили за 28 часов в плохую погоду, включая переправы через реки. Совершая марши с такой быстротой, Суворов обрушивался на противника, как снег на голову, и сокрушал его. Он обосновал три принципа воинского искусства: глазомер, быстрота и натиск. «Быстрота и натиск — душа настоящей войны».

Подготовил Б. СЕРГЕЕВ.

Этот пестрый мир

ПОЛГОДА ПЛОХАЯ ПОГОДА

Почему северяне считаются менее открытыми и не такими эмоциональными, как южане? Участники американо-бельгийского проекта опросили 3000 студентов из 26 стран. Жители юга оценивают свою экспрессивность выше, чем северяне. Доктор Д. Пеннебакер считает, что в условиях плохой погоды, характерной для северных стран, люди стараются реже выходить из дома и привыкают общаться только со своими близкими.

ОШҚОЗОННИ АЛДАЙДИ

Ҳиндистонда ўсадиган «калиранда» ўсимлигининг баргини истеъмол қилган одам ўзини анча тўқ ҳис қилиши қадимдан маълум. Шунинг учун ҳам уни «Ошқозон алдовчи» деб аташади. Дарҳақиқат, ўсимлик шарбатини текширган олимлар унинг таркибида ҳеч қандай тўйимли модда йўқлигини ва у фақат тўқлик ҳиссини вужудга келтиришини исботладилар.

Ҳозирда Европа ва Америкадаги бир қанча дори тайёрловчи фирмалар озишни истовчилар учун «алдоқчи» ўсимлик баргидан дори тайёрламоқда.

СОБАКИ ПРЕДУПРЕЖДАЮТ О РАКЕ

Оказывается, собака — не только друг человека, но и его домашний врач. Д-р А. Котнетта из Флориды (США) описывает уникальный случай: собака постоянно тыкалась носом в одно и то же место на шее хозяина, которое впоследствии оказалось очагом недоброкачественной опухоли.

Котнетта стал использовать собак для определения ранних стадий рака кожи и обнаружил невероятную эффективность этого «экологического метода».

Натренированные им животные могут находить пораженный участок ножи даже под одеждой. Ученый уверен, что собаки могут распознавать рак легких, желчного пузыря, а также туберкулез.

ЁВВОЙИЛАРГА МАЗЗА

Венесуэла чегарасида унча узоқ бўлмаган Амазонка ҳавзасидаги чекка бир тропик ўрмонда яшовчи яномам қабиласининг ҳиндулари умуман стресс, қон босими касаллигини билишмайди. Негаки, уларни бу касаллик четлаб ўтган десак ҳам бўлади. Ҳиндулар учун туз ва ёғ бутунлай бегона. Таомларни маҳорат билан тайёрлайдилар. Гўштни эса ёғи бутунлай эриб битгунча пиширадилар. Бу уларнинг соғлом бўлишининг бир сабаби бўлса, иккинчиси, ҳиндулар ўз жамоаларидаги ишларни йўлбошчиларига қаттиқ итоат қилган ҳолда осойишталик билан ҳал қиладилар.

СРЕДСТВО ДЛЯ ОТПУГИВАНИЯ СЛОНОВ

Каждый год в Азии слоны губят часть урожая, нанося ущерб в тысячи долларов, говорит зоолог Кембриджского университета Локи Осборн. Обычно, чтобы отпугивать слонов, фермеры начинали бить в барабаны или бросать в них камни. Осборн и еще один изобретатель думают, что нашли более удачное решение — аэрозольный баллончик, содержащий один килограмм красного острого перца с растительным маслом, из которого с помощью специального пневматического устройства смесь выстреливается в сторону слона.

Средство было опробовано в Зимбабве, и вот что произошло: вначале слоны застывали, потом резко выдыхали воздух и после этого быстро скрывались. В отчете говорилось, что перец не причиняет слонам длительного вреда.

По материалам печати.

ПОГОДА

Как сообщает Главгидрометцентр, в начале периода по республике с 23 по 25 декабря возможен снег. Ночью и утром туман.

Температура воздуха в начале периода ночью 0—5 мороза, днем — 3+2. На севере ночью 10—15 мороза, днем 2—7 мороза. В конце периода температура понизится.

Бош муҳаррир подполковник И. Қ. АБДУКАРИМОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ: г. Ташкент, 700031 ул. Д. Кунаева, 21

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы: военной службы и воспитательной работы — 69-45-55; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76; подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44. Начальник издательства — 56-04-90; дежурный — 56-09-81; бухгалтерия — 56-03-82.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются. За достоверность фактов ответственность несет автор.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Типография газеты «Ватанпарвар».

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 50.

Заказ № 0497.